2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

13-14 (563-564)

2007 йил 4 апрель

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

саҳифада

2
- «Иқбола-маржона» ишсизларга мададкор
- «Валима» — никоҳ тўйи дегани...

3
- Оғу — беомон ёғу!
- Соҳибқирон ва Карл VI...

4
- «Кўпюрак» одамларнинг давоси...
- Адашганни йўлга сол, савоби бисёр!

Андижон вилояти

МАСЛАҲАТЧИЛАР ЎҚИМОҚДАЛАР

Вилоятидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг турли йўналишлардаги билимларини оширишга кўмаклашиш мақсадида шу йилнинг февраль ойида вилоят шаҳарлари ва туманларида иш олиб бораётган 20 нафар бош маслаҳатчилар Тошкент Ислом Университетида бир ойлик малака ошириш курсларида ўқиб қайтдилар. Бу мақсад учун вилоят ҳокимлиги томонидан зарур миқдорда маблағ ажратилди.

Бош маслаҳатчиларнинг Тошкентда олган билимларини жойларга етказиш, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларидаги маслаҳатчиларнинг билимларини ошириш мақсадида уч кунлик ўқув семинарлари ўтказилмоқда.

— Унда, — дейди вилоят ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятининг мудири Ҳабибахон Жўрабекова, — вилоят адлия бошқармаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакиллиги ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда Ислом Университетида билим олиб қайтган маслаҳатчилар ўз маъраузалари билан иштирок этмоқдалар. Бундай семинарлар ҳозирги кунга қадар Марҳамат, Олтинкўл ва Пахтаобод туманларида ташкил этилди. Ишлаб чиқилган ўқув жадвалига мувофиқ, йилнинг биринчи ярми охиригача вилоятдаги барча туман ва шаҳарларда ана шундай семинарлар бўлиб ўтади.

У.САКСОНБОЕВ

Навоий вилояти

ЯНГИ ГУЗАРЛАР ИШГА ТУШДИ

Қизилтепа туманининг Ванғози қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида маҳалла гузари фойдаланишга топширилди.

Қурилишига тадбиркор Бобожон Каримов ҳисса қўшган гузарда барча қулайликларга эга сартарошхона, суратхона, пойабзал таъмирлаш ва телерадиотузатиш устахоналари, савдо дўконлари иш бошлади. "Ванғози оқшоми" деб номланган тўйхонада турли байрам тадбирлари, тўй маросимларини ўтказиш мумкин.

— Наврўз байрамини ҳар йили катта кўтаринкилик, яхши кайфият, янги иншоотларни ишга тушириш билан қарши оламиз, — дейди Ванғози қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Музаффар Исматов. — Ўтган йили шу пайтда қишлоғимизда 540 ўринли қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи қуриб битказилган, 32-мактаб реконструкция қилинган эди.

* * *

Учқудуқ шаҳрининг Абай номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам янги гузар фойдаланишга топширилди. Ундаги мавжуд савдо дўкони, компьютер хонаси, пойабзал тузатиш устахонаси, сартарошхона ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари маҳаллада яшовчиларга катта қулайлик яратди.

— Кўпдан буён маҳалладошларимга нафи тегадиган бирор ишни амалга оширсам, деб орзу қилардим, — дейди тадбиркор Собир Шодиев. — Наврўз байрамига совға тариқасида гузарни фойдаланишга топширдик. Тез орада бу ерда чойхона, гўшт дўкони, телерадио таъмирлаш устахонаси ҳам ишга тушади.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Тошкент шаҳри

"ЭКОСАН" ДАН "НУРОНИЙ"ГА ТУҲФА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ва "Нуроний" жамғармаси пойтахтимиздаги "Нуроний" шифохонасида хайрия тадбири ўтказди.

Ўтказилган хайрия тадбирида шифохонага 4 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди ва шифохона кўрпа-тўшак ғилофлари билан тўлиқ таъминланди. Шунингдек, шифохона ходимларига ҳам "ЭКОСАН" ташкилотининг совғалари топширилди.

Бундай тадбирлар республикамизнинг барча минтақаларида ўтказилиши режалаштирилган, жумладан, Ижтимоий ҳимоя йилида "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти томонидан 3000 нафар нуронийга аниқ ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Миркарим МИРСОВУРОВ

Хоразм вилояти

ВОҲА ОСМОНИДА ЯНГИ ПАРВОЗ

бу парвоз истиқболли соҳа — туризм ривожида муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилмоқда.

Австриянинг "CTA SKY WAYS" тур оператор компанияси "Avstrian airlines"нинг "Боинг" ҳаво лайнери Урганч аэропортига илк рейсини амалга оширди.

Илк ҳаво йўли орқали етиб келган "Боинг" лайнерида Австрия, Германия, Швейцария каби мамлакатлардан 170 нафар сайёҳ қадим Хоразм заминига қадам қўйди. Улар "Хоразм палас", "Азия-Хива", "Хива маликаси" меҳмонхоналарига жойлашиб, икки кун давомида воҳа билан танишдилар, тарихий ёдгорликларни томоша қилдилар. Бу йил Европадан тўғридан-тўғри Урганч халқаро аэропортига 11 май кунига қадар саккиз марта ҳаво қатнови амалга оширилиши режалаштирилган. Бу биргина баҳор фаслининг ўзида юртимизга 1500 нафардан ортиқ хорижий сайёҳларнинг ташриф буюришидан далолатдир.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Бокс олами

ЧАГАЕВ WBA РЎЙХАТИНИНГ ЧЎҚҚИСИДА

Профессионал боксниг энг нуфузли ташкилотлари — Бутунжаҳон бокс уюшмаси (WBA) ва Бутунжаҳон бокс ташкилоти сайёрамизнинг энг кучли чарм қўлқоп усталарининг янги рўйхатини эълон қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу гал WBA рўйхатининг энг юқори поғонасини профессионал рингда ҳали ҳеч ҳам мағлубиятга учрамаган ўзбекистонлик Руслан Чагаев эгаллади. Шунингдек, Руслан WBO йўналиши бўйича ҳам кучли учталикдан жой олган. Ҳамюртимиз Қаҳрамон Орзиқулов эса 52 килограмм вазн тоифасида WBO рўйхатида бешинчи ўринни эгаллаб турибди. Яна икки боксчимиз — Фарҳод Бакиров WBAнинг 66.5 кило вазн тоифасида ҳамда Андижон бокс мактаби вакили Қувончбек Тайганбаев 69.8 килограмм вазн тоифасида WBO рўйхатининг 13 поғонасидан жой олган.

Press-uz.info

Сирдарё вилояти

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Гулистон шаҳрида аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш мақсадида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ўтказган мазкур тадбирда 45 корхона, ташкилот ва муассаса қарийб 400 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Юзга яқин талабгорнинг қирқ нафари шу куни ўз иш жойини топди. Ўттиздан зиёд йигит-қиз касб-ҳунар ўрганишга, ўн нафар талабгор эса мавсумий ишга жалб қилинди.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейди?
— Руслан кучлиларнинг кучлиси экан, — дейди...

САРА ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТГА САФЛАНДИ

Яқинда Президентимизнинг "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқороларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги Қарори эълон қилинган эди. Айни пайтда мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида жойларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган собиқ аскарларни тантанали равишда кутиб олиш ҳамда хизматга чақирилувчи ёшларни Қуролли Кучлар сафига кузатиш маросимлари ўтказилмоқда. Энг қувонарлиси, бугун ўз йигитлик бурчини намунали адо этган ва адо этишга шай юртимизнинг ана шундай норғул ўғлонлари сафига кўз ташлаб, озод ва обод Ўзбекистоннинг бугуни, эртаси ишончли қўлларда эканлигига яна бир карра амин бўламиз.

СУРАТДА: *Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси чақирув йиғини пунктидан чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетмоқда.*

Муҳаммад АМИН
(ЎзА) олган сурат

Қорақалпоғистон Республикаси

Чимбой туманидаги Янги жол қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи 4 мингга яқин аҳоли ўртасида ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қуватлаш, болалар спортини ривожлантириш, ёшларни иш билан таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ТАЪМИРЛАШ БУГУНДАН БОШЛАНСА...

Маҳалла аҳлининг ҳурматига сазовор бўлиб келаётган ширкат хўжалиги раиси Борлиқбой Султонбоев ташкилий ишларда бош-қош бўлиш билан бирга шахсий маблағи ҳисобидан 5 та оилага қорамол берди. Шунингдек, "Орзу" фермер хўжалиги раҳбари Пўлатбой Одилбоев ҳамда тадбиркор Каримбой Айтмуротов маҳалладошларига имкон қадар ёрдам бериб келишмоқда.

Бироқ неча йиллардан буён бир муаммо мавжуд бўлиб, фуқороларимиз мутасадди раҳбарлар эътиборига илҳақ. Гап шундаки, совуқ кунлар бошланди дегунча, газнинг босими пасайиб, худди шам ёғдусидек милтиллаб, ёғду сочиб туради.

Мана, кунлар исиб ҳаммаси жой-жойига тушиб қолди. Табиий газ ловуллаб ёнмоқда, электр ҳам бинойидек... Аммо газ қувурларини таъмирдан чиқаришни бугундан бошлаш керак. Борди-ю, бу борада ишлар бошланса, маҳалла аҳли ҳам қўл қовуштириб ўтирмайди, ҳомийлар эса бор.

Озод ЖУМАНАЗАРОВ

Йил дастури — амалда!

Тошкент вилояти

НИЁЗБОШда КАТТА ТЎЙ

Янгийўл тумани Ниёзбош қишлоқ фуқаролар йиғини Ойбек номли маҳаллада ўтган йилда хайрли иш бошланган эди. Яъни, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар кенгашиб, ҳудудда гузар барпо этиш ташаббуси билан чиққан эдилар.

Яқинда маҳалла аҳли қўшалоқ байрамни нишонлади. Наврўз айёми муносабати билан ўтказилган тантанага "Нормуҳаммад" номли мазкур гузарнинг очилиш маросими ҳамда катта хайрия тадбири шодиёналари уланиб кетди.

— Маҳалламиз гузаридан 20 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси ўрин олган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Бекмирза ота Холмирзаев. — Мана, бугунги тадбирда қурилиб битказилган сўнгги иншоот — 600 ўринга мўлжалланган "Ниёзбош" тўйхонасини ҳам фойдаланишга топшираяпмиз. Шу муносабат билан бу ерда маҳалламизда истиқомат қилувчи 42 нафар болажоннинг хатна тўйи ҳам ўтказилмоқда.

Тадбирда болажонларга бошдан-оёқ сарпо, совғасаломлар ҳамда уларнинг ҳар бирига 35 минг сўмдан пул улашилди.

Хайрия тадбири давомида маҳалладошлар янги тўйхона бунёдкори ва хатна тўйи ҳомийси Ўктамхон ая Ортиғалиева ҳамда онахоннинг тадбиркор фарзандлари — Ҳусанбой ва Муродбойларга миннатдорчилик билдиришди.

МУХБИРИМИЗ

Диний маърифат ва ахлоқий тарбия: маслаҳатчига кўмак

ОИЛАМИЗДАГИ АЁЛ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Ислом динида оилага катта эътибор берилади. Оила инсоннинг дунёвий саодатини таъминловчи қўрғондир.

Ислом шариати ўзининг асосий манбалари Қуръони карим ва суннати набавиядан олиб, бу ҳақда муфассал баён қилиб берган. Жумладан, Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **"...Аёллар билан келишиб, муроса билан тинч-тотув яшанглар..."** (Нисо, 19), — деб амр қилган.

Дарҳақиқат, Ислом дини аёлларга яхши муносабатда бўлган эркакларни инсонларнинг энг яхшилари қаторига қўшади. Бу ҳақда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар: *"Сизларнинг ичингиздаги энг яхши эркак аҳли аёлига яхши муносабатда бўлганидир. Мен эса, аҳлимга сизлардан кўра яхшироқ муносабатдаман"*.

Ислом дини эркакларни оилага бошчилик қилишдек шарафли ўринга кўтарган экан, ўз навбатида, уларга маълум масъулиятни ҳам юклайди.

Халқимизда қарс икки қўлдан чиқади, деган нақл бор. Ўз навбатида оилани мустаҳкам тутишда Аллоҳ таоло аёлларнинг ҳам зиммасига бир қанча вазифаларни юклайди.

Инсон ҳаёти мобайнида оила қуради, фарзанд кўради ва шу тариқа ўз наслини сақлайди. Ислом дини ақидасида ҳали бола дунёга келмай турибоқ, унинг келажаги тўғрисида қайғуришга буюрилади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир ҳадиси шарифда: *"Аёл диёнати ёки молу дунёси ёхуд ҳусни жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин, барака топгур!"*, — деганлар.

Ислом дини аёл кишини — аввало қиз, опа-сингил ва мўътабар она сифатида эъзозлайди.

Табароний ривоят қилган ҳадисда Жаноби Пайғамбаримиз қуйидагича марҳамат қилганлар: *"Албатта, Аллоҳ таоло аёллар ила яхши муомалада бўлишларингизни тавсия этади. Чунки улар сизларнинг оналарингиз, қизларингиз ва холаларингиздир..."*. Шунингдек, динимиз ота-оналарга қизларини имон-эътиқодли этиб тарбиялашни, бу йўлда учраган қийинчиликларга сабр қилишни тавсия этади. Уқба ибн Омир ривоят қилади: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: *"Кимнинг учта қизи бўлса, уларни тарбиялаш ва кийинтиришдаги машаққатларга сабр қилса, улар у киши учун дўзахдан тўсиқ бўлурлар"*, — дедилар. Юқоридаги оят ва ҳадислардан маълум бўладики, аёлларга меҳр-шафқат назари ила қараб, яхши муомалада бўлиши ўша кишининг мусулмонлигидан далолатдир.

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.

Давоми 2-саҳифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Қашқадарё вилояти

ҚАРЛУҚ БОҒОТ ҚАРИЯЛАРИ

улар ўзларига кўрсатилаётган эътибор ва эъзоздан миннатдор

Рўзиой Мирзоқулова билан Бикахон Қодировалар тенгқур — ҳар иккиси 95 ёшда. Уларнинг бири бутун фаолиятини тиббиёт, иккинчиси эса маориф соҳасида ўтказишди. Ўнлаб набира ва чевараларнинг суюкли момолари. Ўғил-қизлари қатори бугун халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган шогирдлари гул ёки совға кўтариб келиб байрамлар, туғилган кунлар билан қутлашганда кўнгиллари тоғдек кўтарилади. Имонли, эътиқодли, меҳр ва эътиборли ватанда яшаётганликларидан Аллоҳга шукроналар келтирадилар.

Бугун Қарши шаҳридаги Қарлуқ боғот маҳалласида уларнинг тенгдошлари, сафдошлари кўп. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Муҳтарама ая Носирова, хизмат кўрсатган ўқитувчи Самад бобо Саломов, истеъфодаги офицер Абдуманнон ота Раҳматуллаев...

Яқинда маҳалла фуқаролар йиғини 85-95 ёшли 60 нафар қарияни тўплади. Улар ёшларга ўзларининг ибратли умр йўли, Истиқлол шарофати ҳақида гапириб беришди. Вилоят ҳамда шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари уларга чуқур миннатдорчилик билдириб, эсдалик совғаларини топширди.

600 кишилик дастурхон ёзилиб, баҳор неъматларидан тайёрланган таомлар тортилди. Маҳаллага 30 йил мобайнида оқсоқоллик қилган марҳум Гадой ота Усмонов қабрига бюст ўрнатилди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Диний маърифат ва ахлоқий тарбия: маслаҳатчига кўмак

ОИЛАМИЗДАГИ АЁЛ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Тарихдан маълумки, исломдан аввалги самовий дин вакиллари аёллар ҳақида кўп баҳс юритишган ва ниҳоят, аёллар эркакларга хизмат қилиш учун яратилган, деган хулосага келишган. Арабларда эса, аёлларга муносабат ундан ҳам ёмон бўлган. Оилада қиз фарзанд туғилса, иснод деб билиб, уни ерга тириклайин кўмиш ҳоллари ҳам бўлганини Аллоҳ таоло Қуръони каримда баён қилган: **"Тириклайин кўмилган қиздан қайси гуноҳи учун ўлдирилди деб сўралса..."** (Таквир, 8-9).

Башариятни жаҳолат зулматидан маърифат нурига олиб чиққан сўнгги илоҳий дин — Ислом келиб, барча инсон зурриёти, жинсидан қатъи назар, Аллоҳ олдида тенг ҳуқуқли эканликлари эътироф этилди.

Жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: *"Қизлари кўп уйда барака бўлади"*, — деганлар (Ажлий ривояти).

Динимизда аёлларга берилган ҳақ-ҳуқуқлардан бири турмуш қуришда ўзларига жуфти ҳалол танлашликда ихтиёр қилиш ҳуқуқидир. Яъни, Исломда аёл (қиз)ни ўзи ёқтирмаган бировга мажбуран никоҳлаш мумкин эмас.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бир қиз келиб: " Отам мени амакимнинг ўғлига турмушга бермоқчи. Ўрталарида олди-берди бор экан, турмушга берсалар, ўрталаридаги муомалаларида отамга нисбатан енгиллик бўлар экан. Мен эса амакимнинг ўғлини хоҳламайман. Шу никоҳга рози бўлмасликка ҳаққим борми ё йўқми?" — деди. Жаноб Пайғамбаримиз: "Ҳаққинг бор", — деб марҳамат қилдилар. Шунда ҳалиги қиз: "Майли, мен отам айтганига розиман. Аммо буни Сиздан сўраганимнинг боиси, қизлар ўз ҳуқуқларини билиб қўйсинлар, дедим".

Яна бир ҳуқуқ — улар ҳам ота-оналаридан ва қариндошларидан мерос олишга ҳақлидирлар. Бу "Нисо" сурасининг 7-оятида баён қилинади.

Динимиз аёлларга доимо яхши, мурувватли ва гўзал муомалада бўлишни таълим беради.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг одатларидан бири — қачон сафарга борсалар, қайтганларидан сўнг уйларига ҳам бормай тўғри қизлари ҳазрати Фотиманинг уйларига бориб, ҳолидан хабар олар эканлар.

Маълумки, никоҳ инсон наслининг давомийлигини таъминловчи воситадир. Яратганнинг қудрат ва ҳикмати туфайли дунёдаги барча мавжудот жуфт-жуфт бўлиб ҳаёт кечиради. Бунинг натижаси ўлароқ янги авлод дунёга келади. Аллоҳ таоло инсонни эркак ва аёл жинсидан яратган экан, уларни ўзи кўрсатиб берган шаръий никоҳ асосида оила қуришга буюради. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шундай марҳамат қилганлар: *«Эй йигитлар жамоаси! Қайси бирингиз уйланишга қодир бўлсангиз, уйланинг!»*

Ҳадисдаги "уйланишга қодир бўлса" иборасидан мурод, йигит жисмонан соғлом ва никоҳ харажатларига ҳамда келажакдаги аёли ва фарзандларини моддий таъминлашга қодир бўлишига ишорадир.

Шунингдек, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам турмушга чиқадиган қизларнинг ота-оналарига қарата ҳам шундай тавсиялар берганлар: *"Қачон сизлар (қизингизга) келган совчининг дину диёнатидан ва хулқидан рози бўлсангизлар, дарҳол унга қизингизни беринг. Агар шундай қилмасангиз ер юзида фитна ва фасод кўпайиб кетади"*.

Мазкур ҳадисга биноан, бўлажақ келин-куёв бир-бирларини сўраб суриштиришлари жоиздир. Чунки бу иш келажакда оиланинг янада мустаҳкам ва бахтли бўлишига хизмат қилади. Уйланиш ниятидаги йигит билан қиз бир-бирларини кўришлари ҳам жоиз. Бунга қуйидаги ҳадис далилдир:

Муҳира ибн Шуъба (разияллоҳу анҳу) айтадилар, "Мен бир аёлга совчи қўйган эдим, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам менга: *"Уни кўрдингми?"* дедилар. Мен: "Йўқ?", дедим. Шунда: *"Уни кўргин, чунки кўриш орангизда муҳаббат пайдо бўлишига сабаб бўлади"*, — дедилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом никоҳ аҳдининг боғланганини эълон қилиб қўйиш мустаҳаб эканини айтиб: *"Ушбу никоҳни эълон қилинглар, никоҳни масжидларда қилинглар, уни эълон қилиш учун дўмбира чалинглар"*, деганлар. Масжидда никоҳ қилишга буюришдан мақсад шуки, у ер одамлар тўпланадиган жой бўлиб, бундан кўпчиликнинг хабардор бўлишига имкон туғилади. Аксинча, яширинча никоҳланилса, бехабар кишилар келин-куёв ҳақида турли хил гап-сўзлар қилиб юриши мумкин.

Шаръий тилда никоҳ тўйи "валима" дейилади. Бунда эр томон, уйланганлиги шарофатидан қавму қариндош ва яқинларини таклиф қилиб, меҳмондорчилик қилади. Бу шариатимизда жорий қилинган иш бўлиб, исрофга йўл қўймаслик лозим. Уламолар шариат манъ этган нарсага қилинган ҳар қандай харажат исрофдир деганлар.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: *"Энг баракотли никоҳ оз харажат қилинганидир"* деб марҳамат қилганлар. Баъзилар тўйни дабдабали қилиш билан фарзандларининг бахтини эмас, балки ўзларининг обрўларини ўйлайдилар. Маълумки, риёкорлик билан қилинган ҳар қандай ишда эса барака бўлмайди.

Тошкент шаҳри

МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА – БАЙРАМ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида пойтахтимиздаги А.Хлебушкина номли Меҳрибонлик уйида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб, "Меҳр кўзда" номли адабий-мусиқий кеча ўтказилди.

Цирк ва қўғирчоқ театрининг кўчма томошалари ҳам намойиш этилди. Айниқса, "Шуҳрат" медали совриндори Салтанат Сиддиқова бошчилигидаги фольклор-этнографик ансамбли ва Меҳрибонлик уйи қошида ташкил этилган раққоса қизлар гуруҳи чиқишлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Кеча ниҳоясида "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига байрам совғалари топширилди.

Абдуқаҳҳор ЖЎРАЕВ,
Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ходими.

Обод бўлган қишлоқлар

Фарғона вилояти

УЧ ОИЛАДАН БИРИДА МАШИНА

Бу қишлоқ аҳли турмуши фаровон бўлиб бораётганидан далолат

Полосон — Олтиариқ туманидаги қишлоқлардан бири. Қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида 8 та маҳалла мавжуд. Қишлоқ азалдан тадбиркорлар маскани бўлиб келган.

Полосоннинг миришкор деҳқонлари ерни қадрлашади ва ундан кўпроқ даромад олишни ўйлашади. Шу сабабли ҳам уларнинг шахсий томорқаларида ҳар йили уч-тўрт марта ҳосил етиштирилади. Олтиариқ туманига хос яна бир одат — қурилган ҳар бир уйнинг саҳнида узум ўстирилади. Уларнинг остида қишин-ёзин резавор ўсимликлар, гулу райҳонлар ўсиб ётади.

Ҳайдар ҳожи Маматов ўз маблағи ҳисобидан қишлоқ ёшлари учун кенг тармоқли маданий-маиший мажмуа қуриб берди. Тадбиркор Муҳаммадали Умурзоқов эса маҳаллада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилиш цехини очиб, 300 га яқин ёшларни мавсумий иш билан таъминлади. Бундан ташқари хориждан бўз тўқиш дастгоҳларини олиб келиб ўрнатди ва ишга туширди. Ҳакимназар Маматовнинг тадбиркорлик ишлари ҳам ибратли. Унинг энг хайрли ишларидан бири "Кўк тўн ота" қабристонини ободонлаштиришга қўшган ҳиссаси бўлди. Акаука Эркабоевлар мактаб қурилиши ва бошқа ишларга қўшаётган ҳиссаси билан кўпчилик ҳурмат-эътиборини қозонмоқда.

Аёл тадбиркорлар амалга ошираётган ишларни кўриб ҳам қувонасан киши. Жумладан, Шоҳидахон Одилованинг ишбилармонлигидан маҳалла аҳли беҳад хурсанд. У қишлоқдаги 50 нафарга яқин қизларни йиғиб, тикув цехини очди. Марҳабохон Усмонова билан Одинахон Ҳатамова нафақат туман аҳлини, балки қўшни туманлардаги мижозларни ҳам замонавий уй жиҳозлари билан таъминламоқда. Тадбиркор Гулсанамхон Охунжоновага қарашли тикувчилик цехида 30 нафардан зиёд хотин-қиз иш билан банд.

Қишлоқда умуман ишсиз юрган фуқарони учратмайсиз. Ўсмир ёшлар ҳам бекор юрмайди.

Маҳаллаларда кам таъминланган ва ночор оилалар умуман йўқ ҳисобда. Ҳар бир оилада қўй, қорамол, парранда боқилади. Ҳар уч хўжаликнинг бирида "Нексия", "Дамас", "Тико" ва бошқа русумдаги автомашина мавжуд.

Кенг жамоатчилик ўртасида турли мавзуларда ўтказилаётган давра суҳбатлари, намунали оила бошлиқлари билан учрашувлар ҳам ўз самарасини беряпти. Натижада маҳаллаларда содир этилаётган турли жиноят ва ҳуқуқбузарликлар йилдан-йилга камайиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили учта маҳаллада мутлақо жиноят содир этилмади.

Юқоридаги ишларни амалга оширишда қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Турғуной Отақуловнинг хизмати катта. У раислик қилаётган ушбу фуқаролар йиғини Республика Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловида 2006 йил якуни бўйича фахрли ўринни эгаллади ва унга "Аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозонган энг фаол маҳалла оқсоқоли" номинацияси бўйича ғолиблик дипломи ҳамда қиймат-баҳо мукофот топширилди. Капитан Набижон Маҳкамов профилактика инспектори бўлиб ишлаётган 250-сонли милиция таянч пунктига эса учинчи даражали диплом берилди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Бухоро вилояти

Бухоро шаҳридаги Олим Хўжаев номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 25-сон "Камалак" болалар боғчасида маҳалланинг 10 та кам таъминланган оиласи фарзандлари бепул тарбияланмоқдалар. Йиғин раиси Марзия Сатторова йиғин фаолиятига оид барча тадбирлар қатори ҳудудда яшовчи эҳтиёжманд қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш ишларига ҳам бош-қош.

СУРАТДА: *Марзия Сатторова II жаҳон уруши қатнашчиси Нина Битурина хонадонига келган пайт.*

Форум

ОАВда АЁЛЛАР МАВЗУСИ

Ўтган ҳафта Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Аёлнинг жамиядаги мавқеини ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси масалаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши" мавзусида форум бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қумитаси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда "Оила ва жамият" газетаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда хотин-қизлар мавзусига ихтисослашган барча нашрлардан вакиллар қатнашди. Шунингдек, босма нашрларда аёллар мавзусининг қандай ёритилаётгани, жамиятга тегаётган фойдаси ҳамда ютуқ-камчиликлари атрофлича таҳлил қилиниб, фикр алмашилди.

Мавжуд муаммоларни бартараф этишда янада қўл келиши учун Оила кенгашини тузиш режаси бир овоздан қўллаб-қувватланди. Иштирокчиларнинг фикрича, бу кенгаш умумий мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириб, ўзаро ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашиш имконини беради.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Жиззах вилояти

ДЎСТЛИКда ДЎСТОНА ҲАЁТ ҲУКМРОН

республика миқёсидаги танловда ғолиб бўлган ҳудуд нозири эса ўз ютуғини маҳалла йиғини ходимлари билан ҳамжиҳатлик самараси деб билади

Мирзачўл туманининг катта қисми қўшни мамлакат — Қозоғистон Республикаси билан чегарадош. Ҳудудда жойлашган йиғинларнинг, бошқа ташкилотларнинг мутасаддилари ва ходимлари зиммасидаги масъулият ҳам шунга яраша катта ва жиддий. Масалан, Дўстлик маҳалласида қарийб ўн етти миллатга мансуб 3800 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу маҳаллада ўзбекона удумлар қаторида бошқа миллатларнинг урф-одатлари ҳам ҳурмат қилинади, тўю маросимлар ихчам ва мазмунли ўтади.

— Маҳалла ҳам бир оиладек гап, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бўтакўз опа Холдорбекова. — Аҳиллик бўлмаган жойда фаровонлик бўлмайди, файз-барака қочади. Ишсизлик муаммоси маҳалламизда фаолият кўрсатаётган "Иқбола-маржона" хусусий корхонаси кўмагида барҳам топмоқда. Айни кунда бу ерда 40 нафар қиз-жувонларимиз ҳунар ўрганишаётир. Бундан ташқари, темирчилик, халқ ҳунармандчилигининг бошқа турлари билан шуғулланиш учун устахоналар очилиб, у ерда маҳалладошларимиз самарали меҳнат қилишяпти.

Дарҳақиқат, маҳаллада бекорчи одамни учратмайсиз. Айниқса, ёшлар учун алоҳида шароитлар яратилгани қувончли. Бу ерда 2 та каратэ ва 1 та бадиий гимнастика бўйича ишлаётган тўгаракларда 58 нафар ёшлар шуғулланишмоқда. Ушбу йилда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан милиция таянч пунктлари инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида ўтказилиб келинаётган анъанавий "Намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловида мазкур маҳалладаги 108-сонли милиция таянч пункти ва унинг нозири — милиция майори Ширинбой Болиқуловнинг фаолияти юқори баҳоланиб, фахрли биринчи ўринга муносиб деб топилди ва "Дамас" русумли енгил автомобиль билан тақдирланди.

— Аҳолининг осуда ҳаёт кечиришини таъминлаш, айниқса, бизнинг маҳалламиз каби чегара ҳудудида бош мақсаддир, — дейди Ш. Болиқулов. — Ўз фаолиятимиз давомида аввало кенг жамоатчиликка, оқсоқолларга, посбонларга ва шу каби маҳалламиз жонкуярларига таяниб ишлаймиз.

Маҳалладошларнинг ўзаро тотувлигига кишининг ҳаваси келади. Шу ҳудудда яшовчи беморлар, ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар доимо маънавий ва моддий ёрдамдан бахраманд. Айнаш Мамбетова, Ғойибназар Қурбонов, Раҳмон Тўймуродов, Нажмиддин Умаров каби олийҳиммат кишилар фуқаролар йиғини билан бамаслаҳат эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам бериб келмоқдалар. Айниқса, Раҳмон ака Тўймуродовнинг ташландиқ бўлиб ётган ахлатхона ўрнини "Маҳалла боғи"га айлантираётгани қувончли ҳолдир.

Донагул ЖЎРАЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Йиғин раиси ибрати

ИХТИРОЧИ ОҚСОҚОЛ

Ҳа, оқсоқолнинг ишчанлиги, ташаббускорлиги, тадбиркорлиги ҳақида кўп ёзганмиз. Жамбул деган маҳалла йиғини раиси ихтирочилик қилиб, уни ўз маҳалласида қўллаётган экан, бу бизга янгилик.

Урганч шаҳридаги Жамбул маҳалласи оқсоқоли Баҳодир Бекжоновни кимдир "тадбиркор оқсоқол" деса, кимдир "ихтирочи" дея таърифлайди. Бошқалар ҳам бу фикрга қўшилиб, "оқсоқолимизнинг ўн бармоғида ўн ҳунар" дея унинг бир-биридан қизиқарли, хосиятли ва хайрли ишлари ҳақида фахр билан сўзлашади.

Асл касби муҳандислик бўлиб, шу соҳада узоқ йиллар фаолият юритган Баҳодир Бекжоновни бундан уч йил аввал маҳалладошлари маҳаллага бош қилиб сайлашган эди. Шундан сўнг у ишни ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришдан бошлади. Ҳар бир хонадон олдида гулзор, хиёбон бўлишига эътибор қаратди. Чиройли гуллар уруғини топиб, уни экиш, парваришлашга бош-қош бўлди. Ўрик, гилос, олма, олча каби мевали дарахтларни ўзи пайванд қилиб чиқди. Хоразм шароитида экологик вазият мураккаб эканлиги, айниқса, ичимлик суви таркиби талабга жавоб бермаслиги бошқалар қатори оқсоқолни ҳам ташвишлантирар эди. У бу тўғрида узоқ изланишлар олиб борди. Ниҳоят шифокор Анвар Оллаёров ва физика муаллими Рустам Муҳаммадиевлар билан биргаликда қувурлардан оқаётган сувни турли тузлардан тозаланган ионли эритилган сувга айлантириб, уни соф ва мусаффо ҳолга келтиришга муваффақ бўлди. Мутасадди ташкилотлар бу ихтирони маъқуллаб, ҳатто унинг 20 дан ортиқ турли касалликларга шифо бўлишини эътироф этишди. Эндиликда бу сувдан маҳалла аҳли бахраманд бўляпти.

— Келгусида ҳар бир хонадонда оддий сувни ионли эритилган, шифобахш сувга айлантириш ускунаси бўлишига эришамиз, — дейди оқсоқол. — Уни тайёрлаш жараёни оддий ва бехатар.

Оқсоқолнинг ташаббуси билан маҳалла ҳудудидаги ариқлардан сув оқа бошлади. Ариқларнинг ҳар икки томонига мевали, манзарали дарахтлар экилди. Жамбул кўчасидаги бирлашган чорраҳадан қўшни маҳаллага ўтиш учун пиёдалар кўприги қурилди. Маҳалла гузари таркибида тўйхона қад ростлади. Унинг олдидаги фавворадан айни ёз пайтлари атрофга салқинлик уфуради. Бу рангли фаввора лойиҳасини оқсоқолнинг ўзи ишлаб чиқди ва пайвандлаш ишларини ҳам ўзи бажарди. Шунингдек, маҳалла ҳудудидаги чиқиндиларни ташқарига чиқариб ташлаш муаммосини ҳал этиш мақсадида оқсоқол ташаббуси билан транспорт хизмати кўрсатувчи "КЛАСС-ЦЕНТР" ташкилотидан битта прицепли трактор сўраб олинди.

— Маҳалламиз фаровонлиги, ободончилиги учун бизга яқиндан, беғараз ёрдам кўрсатаётган, мадад бераётган ҳомийларимиздан миннатдормиз, — дейди оқсоқол. — Айниқса, Комилжон Аитов, Отаназар Мадиёров, Сотимбой ва Ражаббой Саидов, Султонбой Ваисёзов, Гулжон Раҳматова, Оллаберган Ортиқов, Рустам Ражабов, Гавҳар Қобулова, Фарҳод Рўзимбетов, Марим Абдураимов каби тадбиркорлар, хусусий корхона раҳбарлари кам таъминланган оилаларга, ногиронларга доимий ёрдам бериб келаяпти.

Хоразм вилояти

Маҳалла хонадонларидаги боғларда ғалати трубаларни кўрдик. Улар ичимликдан бўшаган елим идиш (баклажка)ларнинг таги кесилиб, бир-бирига скотч (махсус ёпиштиргич) ёрдамида уланиб, ҳар кимга керакли узунликда тайёрланган. Бу сувни тежаши билан бирга, труба ёки шланг сотиб олишга ҳожат қолдирмас экан.

Жамбул маҳалласида турли миллат вакилларидан иборат 2500 нафарга яқин аҳоли яшайди. Хонадонларда аҳиллик, ҳамжиҳатлик, осойишталик ҳукмрон. Хусусан, маҳаллада ўтган йили бирорта жиноий хатти-ҳаракат қайд қилинмаганлиги ҳам аҳиллик меваси.

— Ҳар бир хўжаликда аҳоли имкониятидан келиб чиқиб мол, қўй-қўзи, товуқ боқилишини йўлга қўймоқчимиз, — дейди оқсоқол. — Иложи борича маҳалламиз аҳолиси учун зарур гўшт, сут, тухум маҳсулотларини ўзимиз етиштирмоқчимиз. Бунинг учун имконият бор.

Ҳа, Жамбулнинг жонкуяр оқсоқоли Баҳодир Бекжонов доимо янги-янги ташаббус, ўзига хос ихтиролари билан маҳалладошлари меҳрини қозониб келаяпти. Зеро, уни оқсоқол этиб сайлаган Жамбул аҳли ҳам айнан шундай самарага умид боғлаган бўлса, ажаб эмас.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Ер эгаси фаолиятидан

Андижон вилояти

МУРОДАЛИНИНГ ИККИ ҚУВОНЧИ... ВА БИР ТАШВИШИ

Жалақудуқ туманидаги қадимий Ойим қишлоғида туғилиб ўсган Муродали Йўлдошев 2006 йилнинг бошларида собиқ "Ойим" ширкат хўжалигидан 69,8 гектар ер олиб, Муродали Йўлдошев номли фермер хўжалигини ташкил этди.

— Ер олиб, ўз хўжалигимни ташкил қилганимдан жуда хурсанд бўлдим, — дейди Муродали. — Дастлабки йилданоқ бошқа фермерларга нисбатан яхшироқ ҳосил олишга интилдик. Бу борада икки ўғлим ҳам менга кўмакдош бўлди. Ғўзани вақтида суғориб, вақтида минерал ўғитлар билан озиқлантиришга ҳаракат қилдик.

Йиғим-терим мавсумида фермер қилган меҳнати зое кетмаганига амин бўлди. Унинг бир ютуғи йиллик шартнома режаларини белгиланган муддатдан барвақтроқ бажаргани бўлса, иккинчиси ҳар гектардан белгиланган 29 центнер ўрнига 33 центнердан ҳосил олганидир. Бундан ташқари, фермер даласида етиштирилган "Оққўрғон-2" нави уруғлик нав ҳисобланади.

Жорий йилда фермер кенг кўламли ишларни амалга оширишни режалаштирган. Ўтган йилдаги каби 3-4 тонна эмас, балки 8-10 тонна уруғлик пахта етиштириш режаси шулар жумласидан. Бироқ шу билан бирга унинг фаолиятида бироз қийинчилик туғдираётган муаммолар ҳам мавжуд. Айни пайтда Муродалини ташвишга солаётган муаммо бу мавжуд техниканинг эскириб қолганлиги.

— Ерга ишлов беришда биз собиқ ширкат хўжалигидан қолган эски тракторлардан фойдаланамиз, — дейди фермер, — замонавий, янги русумдаги тракторларни сотиб олиш учун эса маблағ керак. Давлат томонидан ажратилаётган уч фоизли кредит маблағини, асосан дизель ёнилғиси, минерал ўғит ва МТП хизматларига сарфлаймиз.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

СОҲИБҚИРОН МЕРОСИ

У бугунги даврда нафақат тарихимизни гавдалантиради, балки жамият бошқарувида, уни шакллантиришда тажриба сифатида асқотади.

Бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг суврати ва сийрати ҳақида кўплаб тарихий асарларда маълумотлар учрайди. Буюк ўтмишимизга дахлдор бундай маълумотларда Амир Темур сиймосининг нафақат жаҳонгир, қудратли давлат асосчиси, балки баркамол шахс сифатидаги улуғвор ишлари ҳам гавдаланади.

Озод ва обод Ўзбекистон учун бугун Амир Темур шахсияти ва мероси нима учун керак? Унинг қайси фазилатлари биз учун азиз?

Биринчидан, Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди. Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган, десак, адолатдан бўлади.

Иккинчидан, Амир Темур бундан 670 йил аввалроқ ҳеч қандай давлат қўшнилари билан ўзаро алоқа тузмасдан, яъни бугунги тил билан айтганда, ҳамкорликсиз истиқболга эриша олмаслигини теран ва яхши англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан — Хитой, Ҳиндистон, бошқа томондан — Франция ва Англия, яна бир томондан — Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва уларни мустаҳкамлашга уринган.

Амир Темур фаолиятидаги биз учун ибратли жиҳатлардан яна бири шуки, у савдо-иқтисод муносабати орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га ёзган хатидаги қуйидаги фикри диққатга сазовордир: "Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб, иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазийқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро, дунё савдо аҳли ила обод бўлажак".

Учинчидан, Амир Темур ва унинг авлодлари, саъй-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар, ҳаммомлар, каналлар, қалъалар ва бошқа қатор иморату иншоотларнинг сонсаноғи йўқ.

Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибихоним Жомеъ масжиди, Гўри Амир ва Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий мўъжизалар, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб гўзал сарой-боғлар ва бошқа иншоотлар шулар жумласига киради. Бу обидалар, ҳеч шубҳасиз, инсон тафаккури ва ақл-заковатининг буюк тимсолидир.

Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур "Ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди".

Тарих бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган.

Унинг "қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим", деган сўзлари фикримизнинг далилидир.

Энг муҳими, мазкур қурилишлар географияси биргина Туркистон билан чегараланиб қолган эмас. Бунинг исботи сифатида Соҳибқирон қадами етган жойлардаги тарихий обидаларни эслашнинг ўзи кифоя.

Тўртинчидан, Амир Темур ўз миллати ва эл-юртининг тақдири ҳақида кўп ўйлаган. У қўйган ҳар бир қадам нафақат ўша давр учун, балки келажакка хизмат қилган.

Бешинчидан, Амир Темур бир ҳақиқатни яхши англаган — жамият эътиқодсиз яшай олмайди. Одамларга дин керак, иймон керак, ишонч керак. У ўз "Тузуклар"ида шундай дейди: "ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим".

Амир Темур Қуръони Каримни ёд билгани, диний баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юритгани унинг маънавияти, иймони, диёнати қанчалар пок ва мукаммал эканини билдиради.

Амир Темурнинг Ислом динига бўлган муносабатида энг муҳим қирра, бу мусулмончилик ақидаларининг жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, иймон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилишига сафарбар этилишидир.

Унинг эътиқодига кўра, давлат давлатлигини, дин эса динлигини қилиши керак. Бу ғоя бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотгани йўқ. Худди шу туфайли Амир Темур даврида Ислом дини равнақ топди, юксалди. Шу билан бирга, халқ дунёқараши, тафаккур тарзи ҳам анча ривожланди. Аҳоли ва давлат ўртасидаги муносабатлар ўзига хос тарзда мутаносиб тус олди.

Хулоса ўрнида айтганда, Амир Темур нафақат буюк давлат арбоби, тажрибали дипломат ва маҳоратли саркарда, шу билан бирга бетакрор бунёдкор, ташкилотчи, илм-фан, санъат, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ раҳнамоси ҳамдир. Буюк бобомиз Амир Темурнинг энг катта хизмати — у икки қитъа — Осиё ва Европани маънавий жиҳатдан бир-бирига яқинлаштирганидир, десак хато бўлмайди.

Эшқобил ХОЛИҚОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор.

"Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб, Соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин."

Ислом КАРИМОВ

Ислоҳот самараси

ИМТИЁЗЛИ МАБЛАҒ ИШ БЕРДИ

"Пахтабанк"нинг Янгибозор бўлими Пешку туманилик фермер, тадбиркор ва ишбилармонларга иқтисодий жиҳатдан катта ёрдам бериб келаётган молия муассасаларидан бири ҳисобланади.

Айни кунда банк бўлими мижозларининг умумий сони тўққиз юздан ортиқ. Уларнинг 40 фоизини фермер хўжаликлари, 30 фоизини маҳаллий тадбиркорлар ташкил этади. Банк бўлими ўз мижозларига намунали банк хизмати кўрсатиш билан бир қаторда, уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўтган 2006 йилда банк бўлими ўз мижозларига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш, оилавий чорвачиликни юксалтириш, жисмоний шахсларга имтиёзли кредитлар ажратиш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келди.

Жумладан, тадбиркор Қаҳрамон Наботов банк бўлими ажратган 20 миллион сўм кредит ҳисобига "Янги бозор" корхонаси қошида техника воситалари учун хизмат кўрсатувчи ва эҳтиёт қисмлар дўконини ишга туширди, 10 дан ортиқ маҳаллий ёшларга доимий иш ўринлари яратиб берди.

Худди шундай тадбиркорлардан бири "Вали Жамбул" хусусий фирмаси раҳбари Жамбул Эрназаровдир. У банкдан олган 15 миллион сўм маблағ асосида қорамолларни бўрдоқига боқиб, гўшт ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бугун тадбиркор гўштни қайта ишлайдиган кичик цех қуриб ишга туширишни ҳаракатида.

Тумандаги "Хурсанд Ҳайит" фермер хўжалиги раҳбари Эркин Обидов банк кўмаги билан лизинг шартномаси асосида МХ-140 русумли ҳайдов трактори сотиб олган бўлса, муассаса мижози Султон Тоғаев 12 сотихли иссиқхона ташкил этиш имконига эга бўлди.

Банк бўлими жорий йилда ҳам ўз мижозларига бир қатор қулайликлар яратишни режалаштирган. Энг қувонарлиси, банк ажратаётган кредитлар ҳисобидан қишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратилаётганидир.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Бухоро вилояти

СУРАТДА: *банк мижозларидан бири — "Вали Жамбул" хусусий фирмаси ходими Вали Эрназаров.*

Ушбу мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фондининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПК—24-сонли «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини амалга ошириш жараёни мониторинги» лойиҳаси йўналишида тайёрланди.

Қорақалпоғистон Республикаси

ЭЛЛИККҚАЛЪА — ЎТТИЗ ЙИЛДА

Элликқалъа — мамлакатимиздаги энг йирик қўриқ массиви ҳисобланади. Минг йиллар олдин гуллаб-яшнаган ушбу қалъа сувсизлик оқибатида саҳрога айланганди. Бироқ бундан 35 йил аввал унинг серҳосил ерларини қайта ўзлаштиришга киришилди.

Каналлар қазилди, сув келтирилди. Қисқа фурсатда минглаб гектар ерлар ўзлаштирилиб, натижада бу ерда 253 та йирик қалъа ва қўрғондан иборат Элликқалъа тумани ташкил топди.

Ўтган давр мобайнида туман аҳолисининг сони 36 минг нафар кишига етди. Гўзал ва кўркам Бўстон шаҳри бунёд этилди. Айни пайтда шаҳардаги ва марказдан 400 километр узоқликдаги Нисон яйловида 7 та маҳалла ҳамда 13 та овул фуқаролар йиғинлари мавжуд. Туманда қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам яхши ривожланган. "Элтекс", "Медикал Коттон" каби бир неча қўшма корхоналар, "Элликқалъа олтин толаси", "Нур" ҳиссадорлик жамиятларида хилма-хил ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳар йили туманда етиштириладиган 30 минг тоннага яқин пахтанинг 90 фоизи хорижга экспорт қилиняпти.

Яқинда Бўстон шаҳридаги Санъат саройининг 4 минг нафар кишига мўлжалланган амфитеатрида Элликқалъа қўриқхонасининг ўзлаштирила бошлаганига 35 йил, туманнинг ташкил топганига 30 йил тўлиши муносабати билан катта байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Гиёҳвандлик — давр вабоси

ОҒУ ЮКИ

Унинг жазо юки янада оғир

Инсон ҳамиша босган нотўғри қадамларидан жабр чекиб юради. Қилаётган ишининг оқибатини эмас, ўз ҳузур-ҳаловатини, чўнтагига кирадиган жарақ-жарақ пулларни ўйлаган одам кун келиб қоқилиши тайин.

Сурхондарё вилояти Денов тумани Хитой маҳалласида яшовчи Шавкат Акрамов ва унинг жиноий шериги Ботир Тожиевлар ҳам буни билмас эди, деб бўлмайди.

Шавкат соч-соқолини олдириб, анча енгил тортиб сартарошхонадан чиққач, "Қандайсиз, эшон бува", дея уни лақаби билан чақирган овозни эшитиб ортига қаради.

— Ассалому алайкум, Ботир ака, яхшимисиз? — Шавкат уни таниб ҳол сўрашди.

— Дунёнинг бутун ўйлови сизга тушганми, дейман, чақирганимниям сезмайсиз.

Шавкат хижолат бўлиб узр сўради. Ботир ака билан илгари сира гаплашиб юрмаган бўлса-да, суҳбатлари тез қовушди. Гап айланиб келиб пул топиш, рўзғордаги қийинчиликларга бориб тақалди. Шавкат бироз ҳаётдан нолиган бўлди.

— Э, йигит киши нолимайди, эшон бува, ҳаракат қилсангиз, чангалда шўрва. Айни сиздек ўктам йигитларбоп яхши бир иш бор. Даромадиям сиз бу ерда кун узоғи одам кутиб, термулиб ўтирганингиздан ўн ҳисса кўпроқ.

Шавкат Ботир акага саволомуз қаради. У эса "Юринг, бемалол гаплашиб оламиз" деб Шавкатни машинасига таклиф қилди.

Шавкат ўйланиб қолди. "Даромадли иш бўлса, нега уни ўзи қилмай менга тавсия қилаяпти?! Бу ерда бир гап бор. Қани эшитай-чи, аввал".

— Эшон бува, сиз ҳақингизда орқаворатдан кўп эшитганман. Шунинг учун ўйлаб-ўйлаб бу ишга сизни танладим. Ўзи арзимаган хизмат, лекин эвазига яхши ҳақ тўлайман. Озгина юк бор, шуни Тошкентгача эсон-омон элтиб берсангиз бўлди.

Шавкат тушунгандек бўлди-ю, барибир сўради.

— Нима юк экан, ака?

— Шу, — чайналди Ботир ака, — озгина "дори" ваъда қилувдим, ўша ёқдаги акахонларга. Шуни етказиш керак.

— Нашами?

— Ҳа, шунақа десаям бўлади. Фақат шу гап орамизда қолсин. Сизни укам деганман-а. Шунинг учун ҳам сизга ёрдам бўлсин, деб таклиф қилаяпман. Орада сиз ҳам бир нималик бўлиб қолардингиз. Одам бу дунёга бир марта келади, ахир. Қийналиб юргандан кўра, кўпроқ пул топиб, роҳат-фароғатда яшаганга нима етсин?

Шавкат ўйланиб қолди.

— Йигит киши дангал бўлиши керак. Ўйчи ўйига етгунча, таваккалчи ишини битиради. Шу ишингиз учун чўнтакка икки минг доллар кирса, ёмонми?

Долларни эшитиб, Шавкат иккиланиб қолди. Ботир ака ундаги ўзгаришни сезди.

— Хўш, келишдикми?

— Уч минг берасиз, — деди Шавкат.

— Сизга ёмон нарх айтмадим, эшон бува.

— Бўлмаса, келиша олмадик, деб ҳисоблайверинг.

Аслида Шавкат нархни атайлаб, ишни ўзидан қочириш учун кўтариб айтди. Сўнг кўнгли ғаш бўлиб, Ботир аканинг ҳай-ҳайлашига қарамай, машинасига ўтириб уйига кетди.

Шавкат "таваккал қилиб кўрганимда балки ишим ўнгланиб кетармиди" деб бир неча кун ўйлаб юрди.

Ботир ака телефон қилиб уни яна йўқлаб қолди. Шавкат суҳбат асносида унинг таклифига рози эканлигини айтганида, Ботир ака нишонни бехато урганлигига ишонч ҳосил қилди. Аслида молни жўнатишга одам излаб юрганида Шавкат бехосдан эсига тушиб қолганди. Онасининг номидаги машинасида киракашлик қилиб тирикчилигини амаллаб ўтказиб юрибди. Шунча пулнинг дарагини эшитиб, йўқ дея олмаслигига аллақачон ақли етган эди. Тушдан кейин Ботир ака кулранг "Нексия" сида келиб машинадан 2 та халтача туширди.

— Пулини молни манзилга етказганингиздан кейин оласиз. Тошкентда ҳисоб-китоб қиламиз, менга ишонаверинг.

— Ишонаман, ишонганим учун шу ишга рози бўлдим-да. Акам бўлиб қоласиз энди. — Шавкатнинг кейинги сўзлари ўзигаям ғалати эшитилди. Ботир ака машинасига ўтирди-ю кўздан ғойиб бўлди.

Орадан бир кун ўтиб Ботир ака яна қўнғироқ қилди. "Эртага йўлга чиқаверинг, клиент тайёр". Шавкат хотини ва болаларини онасиникига жўнатиб, уйда ёлғиз қолиб, "мол"ни машинасига қандай жойлаштириш режасини тузди. Ниҳоят орқа чироқларнинг "обшибка"сига иккита халтачани кўринмайдиган қилиб жойлаштирди. Уйдагиларига айтмасдан йўлга чиқди.

У юрагини ҳовучлаб кетиб борар экан, узоқдан милиция кийимидагиларни кўрибоқ ранги оқариб кетаверди. Олтинсой туманига келгач, Ботир ака Шавкатга далда берган бўлиб, телефон қилди.

"Чак-чак" постига келгач, уни ДАН ходимлари тўхтатишди. Талонини олиб вақтинчалик талон ёзиб беришгунча Шавкатнинг бўлари бўлди.

Постдан ўтиб енгил нафас олди ва тезликни оширди. Аммо ҳеч қанча вақт ўтмай, қўшни Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод шаҳридан ўтаётганда, "радарга тушдингиз" дея яна бир ДАН ходими тўхтатди. Шавкат энди ўзини бутқул йўқотиб қўйди. Улар машина юкхонасини текшириб кўрмоқчи бўлишди.

— Юкхона бўм-бўш, у ерда ҳеч нарса йўқ.

— Барибир текшириб кўришимиз керак.

Шавкат қараса иш чатоқ.

— Акалар, қоидани бузган бўлсам, жарима ёзинглар, тадбиркорман, жуда шошиб турибман.

Усталик билан жойланган "мол" зийрак милиция ходимлари назаридан четда қолмади. Машина "обшибка"сидан героинни олишаётганда, Шавкатнинг қўл-оёғи музлаб кетди. Бир пасда кўнглини қилган ишидан пушаймонлик ҳисси қамраб олди. Бироқ ғишт қолипдан кўчган эди.

Наркотик моддалар олди-соттиси билан шуғулланган одамнинг хатти-ҳаракатини сира кечириб ҳам, ҳеч нарса билан оқлаб ҳам бўлмайди. Бу оғунинг касофати неча-неча гулдай умрларни хазон, тинч-тотув оилаларни барбод қилади. Гиёҳвандлик иллати туғилажак фарзандлар тақдирига шум қисмат — ногиронлик тамғасини босади.

Тергов, суриштирув ишлари ниҳоясига етди. Суд унга ўн беш йиллик қамоқ жазоси тайинлади. Начора, жиноят учун жазо ҳамиша муқаррар.

ЖАСЪУР ЭГАМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг ҳуқуқшуноси.

Самарқанд вилояти

Каттақўрғон шаҳридаги педагогика билим юртини тугатган Дилафруз Раҳматова Пахтачи тумани «Қарнабота» ширкат хўжалиги қошидаги мактабгача таълим-тарбия муассасасининг санаторийсида тарбиячи бўлиб ишлаяпти. У айни пайтда Чашма, Навоий номли маҳаллаларда яшовчи болаларни 6 ой мобайнида тарбиялаб, мактабга кузатиб қўймоқда.

Бу ерда тарбия олаётган болалар моҳир тарбиячи Д.Раҳматовадан расм чизиш ва қўғирчоқлар ясашни ўрганмоқда.

СУРАТДА: *тарбиячи Д.Раҳматова тарбияланувчи Маржона билан қўғирчоқ ясаётган пайти.*

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Наманган вилояти

ЧУСТДА ЛИЦЕЙ

унинг қурилиш ишлари икки навбатда олиб борилмоқда

Чустда барпо этиладиган академик лицейнинг қурилиш ишлари бошланди.

Лицейдаги бунёдкорлик ишлари "Наманган-технолог" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилмоқда. Тез орада бу ерда ўқув корпуси, спорт зали ҳамда спорт майдончасидан иборат лицей биноси қад ростлайди.

— Ушбу лойиҳанинг қиймати 2,5 миллиард сўмга тенг, — дейди жамият раҳбари Нуриллохон Холбоев. — 720 талабага мўлжалланган мазкур лицейдаги қурилиш-монтаж ишларини шу йилнинг август ойида ниҳоялашни режалаштирганмиз. Шу боис айни кунларда жамоамизнинг 120 нафар ишчиси икки навбатда, яъни кечаю кундуз меҳнат қилишмоқда.

Содиқ САЙҲУН,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

ГРАММ ВА КИЛОГРАММГА ҚАДАР

Турли мевалар, ўсимлик уруғи ва дони оғирлик ўлчови ўрнида фойдаланилган.

Ҳозир ҳам қимматбаҳо тошлар қирот (русчада карат, 1 қирот тахминан 0,2 граммга тенг) билан ўлчанади. Қирот — асли арабча сўз, у дастлаб "мева пўстлоғи" деган маънони англатган. Килограмм ҳам илгари турлича номланган. Масалан, кичик қадоқ, катта қадоқ ўлчовлари бўлган.

ГРАМПЛАСТИНКАГА ҚАДАР

Зар қоғоз қопланган ғўлани кўз олдингизга келтиринг. Овозни кучайтирувчи карнайга уланган игнанинг учи ўша ғўлага тегиб турибди.

Ғўла секин айланяпти. Овозни кучайтирувчи карнайга гапирилса, товуш зарбидан игна ҳаракатга келади ва унинг учи зарқоғозга дам катта, дам ингичка из ўяди ва бу билан товуш йўлчалари ҳосил бўлади. 1877 йили америкалик ихтирочи Эдисон яратган товуш ёзиш ва овоз эшитиш аппарати — фонограф шу йўсинда ишлаган. 1888 йили эса немис ихтирочиси Берлинер фонограф ғўласи ўрнига айланувчи таглик ўрнатди. Шу баҳона грампластинка келиб чиқди.

...МУСАЛЛАС

Ҳа, дарвоқе, мусалласни ҳали-ҳануз ичамизу лекин қачон пайдо бўлганлигини аниқ билмаймиз.

Олимларнинг айтишича, мусаллас бундан 5500 йил муқаддам ҳам истеъмол қилинган экан. Эрон ғарбидаги тоғлардан топилган сопол кўза синиқлари худди шундай хулоса чиқаришга ундади. Кўза синиқлари ультрабинафша спектрокопияси ёрдамида текширилганда, ундаги доғлар таркибида танин ва вино тоши кислотаси борлиги, яъни кўзада мусаллас сақланганлиги аниқланди. Тарихчиларнинг тахминича, ўша пайтда мусаллас оддий тайёрланган: узум бошлари кўзага солинган, қўл ва таёқ билан эзилган ва ҳосил бўлган шарбат ачитилган. Узум пўсти ачитқи ролини ўйнаган.

Топилган бу кўза синиқлари Месопотамиядаги қадимги Урук шаҳри номи билан аталувчи Урук маданиятига тегишли бўлиб, тахминан ёзув ва суғорма деҳқончилик пайдо бўлгандан сал кейин ясалган.

Омонулло АБДУСАЛОМОВ тайёрлади.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан

ЭСКИ ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Мустақиллик йилларида Самарқанднинг Эски шаҳар ҳудуди таниб бўлмас даражада ўзгарди. Тарихий обидалар атрофидаги кўплаб кўримсиз биноларнинг ўрнида боғу роғлар, гулзорлар барпо этилди. Айни кунларда ҳам бу ерда бунёдкорлик ишлари авж олган.

Гўри Амир мақбараси яқинида жойлашган ароқ ишлаб чиқариш заводи ўрнида бугун катта боғ-хиёбон ташкил этилмоқда. Ҳазрати Ҳизр Шоҳизинда бобо зиёратгоҳига олиб борувчи кенг ва равон йўллар, Самарқанднинг кеча ва бугунини акс эттирувчи миниатюра суратлари туширилган девор ҳам шаҳарда амалга оширилган ободончилик ишларидан далолат.

Қўҳна шаҳарнинг 2750 йиллик тўйига 300 дан ортиқ янги иншоотлар қурилиши режалаштирилган. Наврўз айёми арафасида шулардан 50 таси фойдаланишга топширилди. Жумладан, Сиёб бозори ёнидаги ташландиқ жойда уч қаватли замонавий савдо мажмуаси барпо этилди. "Шодиёна" деб номланган савдо мажмуасида 120 та кичик савдо дўконлари мавжуд. Унинг қурилиш ишлари "Толиб бобо" масъулияти чекланган жамияти томонидан қисқа вақтда амалга оширилди. Бундан ташқари, "Панорама", "Мадина", "Шаҳризода" хусусий меҳмонхоналари, "Астория" ресторани, ЎзДЭУ автосалони очилди. Нарпай кўчасида жойлашган собиқ уйсозлик комбинати биноси капитал таъмирланиб, бу ердан 1200 дан ортиқ савдо ўрнига эга бўлган "Дамариқ" деҳқон бозори жой олди.

Рустам ХАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Сурхондарё вилояти

„СУРХОН"да СИНАЛГАН НАВЛАР

Жарқўрғон туманидаги "Сурхон" фермер хўжаликлари уюшмаси ширкат хўжалиги тугатилиши натижасида ташкил топган. Уюшма бугунги кунда вилоят пахта далаларига тажрибадан ўтган ғўза навларини етказиб бераяпти.

Айни пайтда хўжаликка Ориф Аламуродов раислик қилмоқда. Унинг бошчилигида 1621 гектар ерга пахта, 2597 гектар майдонга турли экинлар экилади. 124 та фермер хўжалигидан ташкил топган уюшманинг барча аъзолари бирдек меҳнат қилади. Бу ерда "Бухоро — 6", "Бухоро — 8", "Наманган — 77", "Ат-Термизий", "С — 65 — 41", "Термиз — 8", "Термиз — 10", "Оққўрғон — 10" пахта навлари синовдан ўтказилади. Улар бошқа навлардан унумдорлиги ва тезпишарлиги билан ажралиб туради. Бу борада айниқса, "С — 65 — 41", "Сурхон — 9", "Сурхон — 14", "Сурхон — 100", "Наманган — 77" пахта навларидан ўтадигани йўқ. Навларни тажрибадан ўтказиш пахта етиштиришдан кўра анча қийин жараён. Ўтган йилда 2556 гектар майдонга синов чигитлари қадалиб, ундан 8461 тонна ҳосил олинган бўлса, ғаллачиликда ҳам кўрсаткичлар ёмон эмас. Соҳибкорлар 1627 гектар ғалла майдонидан 4501 тонна ҳосил олишди. Бу гектарига 57 центнерни ташкил этади. Даромад ҳам шунга яраша — 585,1 миллион сўм. Шундан 165,2 миллион сўми соф фойда. И.Туранов, Зулфия, Санжар номли ҳамда "Араббек", "Салом", "Орифжон", "Фарҳод ТМВ", "Файз", "Лочин", "Работяк", "Ортиқ бобо" каби фермер хўжаликлари ўтган йилда юқори натижаларни қўлга киритган хўжаликлардандир.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

"Ҳидоят"нинг янги сонида

ЮРАГИМИЗ НЕЧТА ЎЗИ?

Бозорда эркаклар пайпоғини сотиб ўтирган кишининг ёнига яқинлашдим, ювғанда ранги чиқиб кетмайдими, деган саволимга:

— Агар ранги чиқиб кетса, топган пулим ҳаром бўлсин, берган пулингизни боламнинг ўлимига ишлатай, — деди ҳеч иккиланмай. Дарҳол ундан уч жуфт пайпоқ сотиб олдим.

Ҳар гал юваётганимда гўё пайпоқдан эмас, менинг дилимдан сим-сиёҳ ранг оқаётгандек титрашга тушаман. Нега ўша саволни бердим, нега уни қасам ичишга мажбур этдим... Рицарни бўса олмоққа чорлаган маликага рицар: "Менинг юрагим битта, уни парчалашни истамайман", дея жавоб берган эди. Дунё ҳар дақиқада бетакрор ҳусн ва фусун билан бўсалар олмоққа чорлайди. Биз эса унинг чақириғига жавоб бераверамиз, бераверамиз.

Юрагимиз нечта ўзи?!

Кўчага чиқишим билан оёғим остига қарайман. Қарайман-у, Ерга ачиниб кетаман. Ҳамма унинг юзига тупуради. Қуёшга ҳавасим келади. Қуёш эса мўминнинг қалбига ҳавасда. Чунки мўминларнинг қалбидаги нурнинг саксон мингдан бир бўлагига эга бўлган қуёш фақат оламни ёритар, тупроқдан-да қаро дилларни ёрита билмас.

Бугун кўнгиллар бир-бирин севмас бир ҳолатдадир, Фиръавннинг соқоли мисол диллар сиёҳ (соқолини қорага бўяган илк инсон Фиръавн эди). Соқолларингизни қорага бўяманг, у жаҳаннамнинг рангидир, деган эдилар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам).

ОИТС дейилса, ҳаммани ваҳм қоплайди. Аслида унинг давоси бор. У орттирилган иммунитет танқислиги. Аммо туғма, азалий мийсоқдаёқ берилган бир иммунитет бор. Инсониятда ўша иммунитетнинг пасайиши, йўқлиги хавфли. У имон-эътиқод иммунитетидир.

Бишри Хофий ҳазратлари "Ўлимнинг давоси бор, у имондир", дейдилар. Ўлимгача бўлган касалликларнинг давоси ҳам шу. Чунки у оғриқларга, чинқириқларга, санчиқларга, тиғларга муносиб қаршилик кўрсатади, қийинчиликларга сабр қилади, курашади. Ундан кучлироқ, курашувчанроқ бошқа иммунитетни билмайман.

Сурайё ЗОҲИР.
"Ҳидоят" журналининг 2007 йил 2-сонидан.

Баҳорни яшариш ва янгиланиш фасли, дейдилар. Шу сабаб бу ҳаётий гапнинг амалдаги тасдиғини нафақат табиат, борлиқ ўзгаришларида, балки айни фасли кўкламда янада яшариб-яшнаган, янада гўзаллашган қизу келинчакларимизнинг латофатли чеҳраларида ҳам кўриб ажабланмаймиз. Қолаверса, табиатнинг бундай сиру синоатлари кўнгилларни ҳам четлаб ўтмаслиги рост.

Жаббор НАБИЕВ олган суратлар.

Қарор ва ижро

Наманган вилояти

АДАШГАН КИМСАГА МАҲАЛЛА-КЎЙ ЙЎЛ КЎРСАТСА...

Кечаги қонунбузар бугуннинг бунёдкорига айланиши мумкин, қачонки у жамиятимизнинг соғлом кучлари таъсирида бўлса...

Бағрикенглик, инсонпарварлик, кечиримлилик халқимизга хос хислатлардан. Бу қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини топган. Яъни юртимизнинг истиқлол даврида босиб ўтган 15 йилликдан ортиқ янги тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳаттоки жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳам ана шу мезонлар асосида иш кўрилганига амин бўламиз. Биргина мисол — бу даврда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўн беш маротаба Амнистия тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Икки йилдирки, Амнистия акти Республика Олий Мажлиси Сенати томонидан қабул қилинмоқда.

Бу нимани англатади? Бу инсониятнинг узоқ ва яқин тарихи, турли замон ва тузумлардаги жиноят қонунчилиги мезонларидан келиб чиқиб тўғри танланган сиёсатни англатади, албатта. Зеро, турли даврларида, хусусан, собиқ иттифоқ пайтида жазолашнинг кескин ва шафқатсиз усуллари амалда бўлган. Аммо бу билан жиноятчиликка қарши курашда ижобий натижага эришилмаган. Қолаверса, аждодларимиз ҳаёт тарзини кузатадиган бўлсак, улар маҳалла-кўйчилик, қўни-қўшничилик анъаналарини эъзозлаб келишганини кўрамиз. Яъни бу юртда билиб-билмай ёки ногаҳон ножўя қадам босган кишининг, аввало, маҳалла-кўйнинг олдида боши эгилади, виждони азобланади.

Мана шундай инсонпарвар сиёсатнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати 2006 йилнинг 30 ноябрида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида" қарор қабул қилганди.

Қарор ижросини таъминлаш борасида Наманган вилоятининг Поп туманида ҳам кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тумандаги қишлоқ, шаҳарча ва маҳалла фуқаролар йиғинларига, туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимига Амнистия асосида жазодан озод этилган шахсларни тўлиқ ҳисобга олиш, уларни ишга жойлаштириш, умуман, уларнинг келгусида жиноят кўчасига қайта йўламасликлари учун шароит яратиш юклатилган.

Бу вазифалар тумандаги дахлдор ташкилот ва муассасалар иштирокида таъминланмоқда. Хусусан, ҳозирга қадар Поп тумани фуқароси бўлган 10 нафар шахс Амнистияга асосан жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган бўлиб, улар ижтимоий кўникма маркази томонидан рўйхатга олинди. Оилавий шароити ўрганилиб, ҳар бирига ўз ҳаёт тарзини тиклаб олишлари учун зарур бўлган моддий ёрдам кўрсатилди.

Маълумки, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтганлар меҳнат бозорида барча билан тенг рақобатлаша олмайдиган шахслар тоифасига киради. Шуни назарда тутган ҳолда туманда 80 та квота иш ўринлари яратилган бўлиб, унинг 17 таси шу тоифа учун ажратилганди. Натижада жазодан озод бўлиб, оиласи, яқинлари даврасига қайтганларнинг олти нафари ишга жойлаштирилди, бирига ишсизлик нафақаси тайинланди. Айни пайтда икки нафари шифохонада даволанмоқда. Шу тарзда уларни ижтимоий муҳофазага олиш баробарида барчаси тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур бўлганда муолажа олиши ҳам таъминланмоқда.

Ушбу саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад ягона: Амнистия шарофатидан баҳраманд бўлганларнинг қайта йўлдан адашмай ҳаётда ўз ўрнини топишига, жамиятимиз, маҳалла-кўй, қолаверса, ўз оилалари равнақига ҳисса қўшишига кўмаклашиш.

Бу эзгу мақсад рўёбига эришишда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни муҳим эканлигини назарда тутиб, тумандаги қишлоқ, шаҳарча ва маҳалла фуқаролар йиғинларида қарорнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти хусусида кўплаб суҳбат ва учрашувлар ўтказдик. Уларга нафақат жазони ижро этиш муассасаларидан қайтганлар, балки туман прокуратураси, ИИБ, Жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан тергов, суриштирув ва суд жараёнида Амнистия қўлланилиши натижасида муқаррар жазодан озод этилганлар ҳам таклиф этилди. Қадим анъаналарни эътиборда тутган ҳолда уларга қишлоқ ва маҳаллалардаги кўпни кўрган, эл ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган отахон-онахонлар, фаоллардан мураббийлар бириктирилди. Зотан, адашган инсонни тўғри йўлга солишдан бутун эл-юрт манфаатдор. Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан айби кечирилиб, инсонпарвалик кўрсатилган кишиларга кўмак бериш бир жиҳатдан савоб иш саналса, иккинчидан бугунги кунимиз талабига ҳам мосдир.

Муҳаммадихон ЖЎРАЕВ,
Поп тумани прокурори.

Навоий вилояти

Қизилтепа туманида бадиий гимнастика бўйича вилоят биринчилиги ниҳоясига етди.

ЁШ ГИМНАСТИКАЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаларининг вилоят бўлимлари ҳамкорликда ташкил этган ушбу мусобақада юз нафарга яқин ёш гимнастикачи қизлар иштирок этди.

Беллашувларда Навоий шаҳридан Феруза Юнусова, Лобар Ражабова, зарафшонлик Муниса Ҳамроева, конимехлик Мафтуна Сайдуллаева, Дилора Темирова, Томди туманидан Симбат Ўтегенова, хатирчилик Меҳринисо Турсунова, нуроталик Шаҳноза Ёдгорова, карманалик Зарина Раимова, қизилтепалик Хуршида Ризаева ғолиблар шоҳсупасидан ўрин олди.

Умумжамоа ҳисобида Навоий шаҳри вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Зарафшон шаҳри ва Конимех тумани гимнастикачилари кейинги ўринларга сазовор бўлди.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Тошкент шаҳри

МАҲАЛЛАДА "ЭНГ ЗУККО ҚИЗ"... КИМ?

Айни кунларда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан жойларда "Маҳалланинг намунали қизи" кўрик-танлови бўлиб ўтмоқда.

Тадбирнинг Учтепа туман босқичида 17 та маҳалладан вакиллар иштирок этди.

Ўз маҳалласининг тарихи билан таништириш, саҳна кўринишлари ва қўшиқлар ижро этиб, рақсга тушиш, турли хил пиширириқлар тайёрлаш, уйларни саранжомлаш каби шартлар бўйича беллашган қизлар орасида Катта Қаҳи маҳалласилик Фотима Абдураҳмоновага тенг келадигани топилмади.

Нурилло НЎЪМОНОВ

Тўқилмаган ҳангомалар

«МАЖЛИС»

Турсунбой БОЙМИРОВ

Телефон узоқ жиринглади. Ҳусниддин чол ёқтирмайгина қўлидаги токқайчисини белбоғига қистириб, гўшакни кўтарди.

— Алло! Баландроқ гапер, қулоғим оғир. Ҳа, Қаршибой акангди уйи. Уйда. Йэшга жўнайман деп турибде. Хўп-хўп... Тайэн айтаман. Қайси астанўпка? Бўлди-бўлди. Соғ бўл.

Саксон икки ёш — ҳазилакам ёш эмас. Тўкилган тишлар ҳисобидан баъзи бир сўзларнинг бузуқ талаффузини демаса, Ҳусниддин чолнинг ҳали қўлидан кетмон ва токқайчи тушган эмас. Телефон гўшагини жойига қўяр-қўймас ўғлига рўбарў келди.

— Хўш, ота... Ким экан? Нима деди?

— Ҳойнаҳўй, қўл остингда йэшлайдеган қизлардан бири бўлса керак, — мужмал жавоб берди Ҳусниддин чол. — Кемлигини сўрамадем. "Олакўйлак" астанўпкасида кутаман... Тез келсинлар... Бугун мажлесимиз бор, деди. Нима, йэдорангди телепони йэшламайде-ми? Мажлесни астанўпкада ўтказасизлар-ме?

Қаршибой отасининг бу кесатиғидан довдираб қолди.

Вазиятни Ҳусниддин чолнинг ўзи енгиллаштирди:

— Айтмоқчи, сени маҳалла мажлесига айтиб кетде... Ярем соатга...

— Шошиб турувдим-да, ота, — кўзини отасининг кўзидан олиб қочди Қаршибой. — Боролмасам керак... Бугун ишхонамга юқоридан нозик одамлар келишмоқчи...

Ҳусниддин чол афтини буриштирди.

— Шошеб жашаган куннинг пайзи бўлмайде, улим. "Нозек одам"ларенг бугун дам олеэб турар. Лавоземи икки баравар лавоземингдан катта маҳалладагелар ҳам бу мажлесга қатнашаде, улим. Мен бормокчи бўлувдем, — ўғлига маслаҳат солди Ҳусниддин чол, — маҳалла котиби кўнмади. "Бизга бугун каттанинг ўзлари керак", деди.

— Нима ҳам дейман, — ноилож қолиб, елка учирди Қаршибой, — қатнаш десангиз қатнашавераман. Фақат, ярим соатга.

Ҳусниддин чол ўғлини кўндирганидан хурсанд бўлди. Орадан ярим соат ўтгач, Қаршибой маҳалла мажлисидан қайтди ва отасига ахборот берди:

— Маҳалламиздагилар ҳашар уюштирамиз, деган эканлар. Ободонлаштириш, кўчат экиш, дегандек... Маҳалла гузарини ремонт қилиб, олдидаги майдонни кўкаламзорлаштириш, гулзорга айлантириш лозим экан. Мен "чойхона биносини таъмирлаб бериш ҳомийлигини оламан" деб сўз бердим.

— Хайэрле йэш...

— Э... э... — мақтанди Қаршибой, — ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришни, маҳалла одамларининг ҳашарини шундай мақтадимки, қарсак чалиб юбордилар.

— Ўзенг ҳам ҳашарга қатнашасан-ме?

Қаршибой бўйнини қашиди.

— Ўзим бош-қош бўламан, деб ваъда бериб юбордим. Аммо...

— Нима, аммо? ... — Ҳусниддин чолнинг қошлари чимирилди. — Қатнашолмайсан-ме? Уят бўлади-йэ... Бир кунда эшак жиғилиб, кўзасе синмайде. Қатнаш, улим, ҳурматинг ошаде, ҳойнаҳўй.

Қаршибой "бир мартага қўллаб юборинг" маъносида отасига илтижоли тикилди...

— Ота! Ваъда беришга бердим-у, ўйланиб қолдим. Идорамиз иши билан боғлиқ масалада меҳмонлар келишади. Мен бўлмасам... эртага бирор гап-сўз қилиб кетса...

Ҳусниддин чол ўғлининг ёлғон гапираётганини билиб, соддалик қилди.

— Ундай нозек одамлар кеган бўлса... Боришенгга тўғри келади, улим. Хў-ўш, нима демоқчисан.

— Демоқчиман! — қулай пайт келганидан хурсанд бўлди Қаршибой. — Бир кўриниш берсангиз... Мен эллик туп мевали дарахт кўчатини бериб юбораман. Олиб чиқасиз... Сизни ишлатишмайди. Бош-қош бўлиб турсангиз, девдим...

Ҳусниддин чол пешонасини ишқалади.

— Худога шукур, тан-жоним соғ. Ҳамма қатори ишлашга куч-қувватим жетади. Ҳар йелге қатнашадеган ҳашар-де.

Қаршибой отасига миннатдорчилик билдириб, машинаси томон қадам ташлаган эди, телефон жиринглади.

— Ҳа, менман, — изига қайтиб, телефонда гаплашди Қаршибой. — Кутиб тур-е... Жўнаяпман. Бир марта телефон қилдинг, бўлдида. Хўп... Бўпти...

Ҳусниддин чол ўғлидан сўради.

— Ўша қўл остенгда ишлайдиган қиз яна телепон қилде-ми, ҳойнаҳўй?

— Ҳа, ота... Ўша қиз, — ерга қараб гапирди Қаршибой, — яна телефон қилди.

— Менам ўша қиз бўлса керак деб ўйлаган эдем. Мажлес дедиме?

— Мажлис бўлмаса нима бўларди, ота, — Қаршибой отасининг киноясидан хафа бўлгандек бўлди. — Мен ишга кетдим, бир дуо беринг?

Ҳусниддин чол истар-истамас дуога қўл очди.

— Бугунге ўтказадеган мажлисларенгга дуо ҳам шарт эмес. Хо-а..., майле... Дуо бўлса, дуода... Ишингди барорини берсин. Бошқа нима ҳам дейман икковингга, — Ҳусниддин чол охирги сўзини узиб-узиб талаффуз қилди. — Мажлесни яхше ўтказинглар.

Қаршибой шолғомдек қизарди...

НАСИҲАТ...

Кеча наҳорги ошда
Имлаб Райим оқсоқол
Деди: "Ука, кўчага
Чиқ, кўчат эк, дуо ол.

Бундоқ қўни-қўшнига
Аралашсанг бўларди.
Ҳув, қуриган толларни
Арралашсанг бўларди.

Абдуманноб фермернинг,
Қара, ғайрати ошган.
Тонгдан кетган далага
Ҳатто келмади ошга.

Кеча қишлоқ йиғилиб,
Минг тупча кўчат экди.
Уял, сенинг ўрнингга
Бетоб хотининг чиқди.

Ҳатто Тўра ошпаз ҳам
Кечиб капгир-қозондан.
Бир жуфт белкурак олиб
Келиб турди азондан.

Кўчат экиш баҳона
Сайил қилдик, тўй қилдик.
Тушликда айри шохга
Бир қора қўчқор илдик.

Шундай гаплар, жигарим,
Қолмагин эл-ўтовдан.
Ўзинг хулоса чиқар,
Панд-насиҳат, қистовдан".

Райимқўзи оқсоқол
Нақд бир соат гапирди.
Бу орада Тўра ҳам
Йиғиштирди капгирни.

Бир луқма ош ейман деб
Эшитдим ўн оғиз гап.
Бу оқсоқол деганга
Ҳеч бериб бўлмайди чап.

* * *

Майли, шу отахон бор,
Қишлоқ аҳли уюшар.
Шунинг учун ҳар сафар
Шуни сайлаб қўйишар.

Беҳзод ҚОБУЛОВ

А.ҲАКИМОВ чизган расм.

Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги ХК "REIL-KOMPLEKT" (ОКПО бўйича коди 21462408) МЧЖ "REIL-KOMPLEKT"га айлантирилади. Даъволар 2 ой давомида қабул қилинади. Тел: 704-81-43

Автомобиль йўллари коллежи томонидан 2001 йилда Хашимов Хуршид Самукович номига берилган 438193 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳри Учтепа тумани "Отчопарэшонфильм" ХКнинг (ОКПО бўйича коди 19782086, ОКОНХ 93622) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ДП "Toshoyna" (код по ОКПО 20388555) ликвидировано. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев по адресу: г.Ташкент. ул. Буюк Ипак йўли 298. Тел: 65-19-59

Утерянный диплом N 231342 (№ рег. 2702) об окончании Ташкентского Электротехнического института связи выданный в 1982 г.на имя Давлетчурина Хамида Ярмухамедовича считать недействительным.

Тошкент шаҳри М.Улуғбек тумани ЧФ "UTKUR VA O'G'ILLARI" (ОКПО 18721958, ОКОНХ 71300) тугатилади. Даъволар 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел: 161-03-37

ООО СП "LOTUS BULUNG'UR" (код по ОКПО 18638631) ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев по адресу: г.Ташкент ул.Катартал 178. Тел: 367-11-45, 367-26-79.

Утерянное свидетельство № 159229 о базовом образовании выданный школой № 14 Аккурганского р-на на имя Барбакадзе Лейла Фуад қизи считать недействительным.

СП ООО "INT-VEST GLOBAL TRADE" зарегистрированное Министерством Юстиции РУз 03.07.2006 г. за реестровым № 229, код по ОКПО 19065965 сообщает об уменьшении уставного фонда до 295000 долларов США. Контактный тел: 173-72-14

Яккасарой туманидаги 118-мактаб томонидан Қодирова Нилуфар Абдумуталовна номига берилган O'R Z 1428311 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ДП "Toshsanoatsavdo" (код по ОКПО 19142151) ликвидировано. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев по адресу: г.Ташкент. ул. Буюк Ипак йўли 298. Тел: 65-19-59

Тошкент вилояти Пискент тумани 27-УЎТ мактаби томонидан 2006 йилда Сувонкулов Шерзод Абдумуминович номига берилган O'R-SH 0467163 рақамли 11-синфни тугатганлиги ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный кадастровый документ N 1971226307 выданный 5 декабря 1996 г. на землю ЧФ "Нури Зилол" г.Ташкента Шайхантахурского р-на считать недействительным.

ДП "Toshkent tajriba-eksperimental oyna zavodi" (код по ОКПО 19142808) ликвидировано. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев по адресу: г.Ташкент. ул. Буюк Ипак йўли 298. Тел: 65-19-59

Утерянный аттестат O'R B N 071021 о среднем образовани выданный в 2000 году школой № 44 Учтепинского р-на г.Ташкента на имя Колесникова Антонина Игоревна считать недействительным.

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви жамғармасининг Андижон вилояти бўлими раиси Октамбек Ҳайдаровга укаси **СУЛТОНМУРОД**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳри бўлими С.Раҳимов туманидаги Мирзо Ғолиб номли маҳалла фуқаролар йиғинига кўп йиллардан буён раислик қилган **Диловар ҳожи МИРБОБОЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

"Маҳалла" жамғармаси Андижон вилояти бўлими жамғармасининг Бўз тумани бўлинмаси раиси **Одинахон ТАКАБОЕВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Бойсун тумани ҳокимлиги ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси Шўрсой маҳалласининг юз ёшдан ошган пиру бадавлат отахони, "Шуҳрат" медали соҳиби **Ражаб бобо ҚОРАҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

"Mahalla" газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мухбири Абдураҳмон Искандаровга акаси **Ражаббой ҲУСАИНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Маҳалла" жамғармаси Хоразм вилояти бўлими, "Mahalla" газетаси таҳририяти газетанинг Хоразм вилояти бўйича мухбири Абдулла Сафоевга акаси **Саидназар УЛЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

МУҲАББИЛАР ТАҚВИМИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Душанба ва сешанбада кўпроқ шахсий муаммолар билан банд бўласиз. Тадбиркорлик борасида омад кулиб боқади. Жума куни спорт билан шуғулланишга аҳамият қаратинг.

СИГИР (22.04-20.05)
Ҳафта бошида молиявий соҳада бироз қийинчиликлар ва ҳамкорлар билан муносабатда чигалликлар юзага келиши мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Ҳафтанинг биринчи ярми ижодкорлар учун сермаҳсул бўлади. Чоршанбада ўз билимингизни оширишга кўпроқ эътибор беринг.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Айни кунларда сиз кўплаб қувончли воқеаларнинг иштирокчисига айланишингиз мумкин. Дам олиш кунлари эса муҳим қарор қабул қилишингизга тўғри келади.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ушбу ҳафтада қилинган хизмат сафари ҳамда ҳамкорлар билан олиб борилган музокаралар яхши самара беради. Якшанба кунги ишларни олдиндан режалаштирманг.

ПАРИЗОД (23.08-22.09)
Шу кунларда сизга чет элда ишлаш, ўқиш ёки хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик қилиш юзасидан таклифлар тушиши мумкин. Пайшанбада лавозимингиз кўтарилиши эҳтимоли бор.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ҳафтанинг ўртасида молиявий масалалар билан шуғулланманг. Ҳамкорлик шартномаларида белгиланган вазифаларга масъулият билан ёндашишга ҳаракат қилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Сешанбада шахсий муносабатларни изга тушириб олиш учун қулай фурсат туғилади. Дам олиш кунлари имзоланган битимлар узоқ муддат сизга фойда келтириши мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Ҳафтанинг биринчи ярмида саломатлигингизга кўпроқ эътибор қаратинг. Сурункали касалликлар айнан шу кунларда қайта қўзғаб, сизни яна безовта қилиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Шу кунларда атрофдагилар билан муносабатда муросалироқ бўлинг. Дам олиш кунлари ўзингизни оилавий ташвишлар муҳокамасига бағишланг. Бу билада тутган ўрнингизни янада мустаҳкамлайди.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ҳафта бошида хорижий ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни осонликча ҳал қиласиз. Ҳатто, чет эл сафарига отланишингиз ҳам мумкин.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Савдо-сотиқ, харид билан сешанбада, жума куни эса сув спорти билан шуғулланинг. Ҳафта охирида қабул қиладиган қарорингиз молиявий аҳволингизга катта таъсир кўрсатади.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна Берди ҚУРБОНОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Газета тарғиботи учун ҳажми 15 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 4 апрель
13-14 (563-564)

16050 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-320 Топширилди — 22.00
2 3 4 5 6